

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Конституция-мизнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда мамлакатимиздаги кўппартиявийлик жараёни самаралари ва бунда Конституция-мизнинг аҳамияти, парламент назоратининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш масалаларига доир маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

• Жиззахда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида Навоий шаҳрида Ёшлар саройи фойдаланишга топширилди. Саройда ёшлар ижодий камолоти йўлида барча имкониятлар муҳайё этилган бўлиб, бу ерда турли маънавий-маърифий тадбирлар, киносеанслар ўтказиш, амалий ва тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаларини ташкил этиш ва спортнинг ўнга яқин тури билан шугулланиш мумкин.

• Қашқадарё вилояти ҳокимлигида «Республика-мизда кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, юрак-қон томир касалликлари билан хасталанган беморларга режали тартибдаги жарроҳлик ёрдами кўрсатишнинг изчиллиги ва уни ташкил қилиш структураси» мавзусида «Воҳидов ўқишлари – 2011» республика XVI илмий амалий анжумани бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда турли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Тошкентда «Микрокредитбанк» томонидан эълон қилинган «Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда «Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор» ва «Қишлоқдаги энг яхши тадбиркор аёл» номинациялари бўйича ғолибларга банкнинг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

ЖАҲОНДА

• Россияда Давлат думасига ўтказилган сайловларда берилган овозларнинг 99 фоизи ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг «Единая Россия» партияси 49,54 фоиз овоз билан ғолиб чиққанлиги маълум бўлди. Шу тариқа мазкур партия Давлат думасида 238 та мандатга эга бўлади.

• Россиянинг «Газпром» ҳамда Украинанинг «Нафтогаз Украины» компаниялари Россия томонидан етказиб берилаётган газга рубль орқали ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўзаро келишиб олишди.

• Кеча Марокашнинг Касабланка шаҳрида Африка қитъасидаги энг катта, жаҳон микёсида эса бешинчи ўринда турувчи улкан савдо марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Савдо маркази 10 гектар ҳудудни эгаллаган бўлиб, бу ерда жаҳоннинг энг машҳур компания ва фирмаларининг маҳсулотларини харид қилиш мумкин. Янги савдо марказининг фаолият бошлаши билан 21 мингта иш ўринлари яратилди.

• Болгарияда темирўлчиларнинг ёппасига иш ташлаши муносабати билан 193 та поездлар қатнови бекор қилинди.

• Мисрда парламент сайловларининг иккинчи босқичи бошланди.

• Кеча Калининград областида Хитойдан олиб келинган 8 мингта сифатсиз ва соғлиқ учун зарарли бўлган контрафакт кўғирчоқлар йўқ қилинди.

• Кеча Ироқда амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (12.046)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўдилар. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қароридан қуйидаги маҳкумларни – аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркекларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шу билан бир қаторда Сенат қароридан яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги актининг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланиш тартибини белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомили баён этилган. Бунда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия акти қўлланилиши, шунингдек амнистия актини қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишига қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджетни кўриб, тасдиқлади-



лар. Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга тушаётган солиқ юқини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш учун қўлай шaroитлар яратишга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, ишлаб чиқариш янада ўсишини ҳамда аҳолининг реал даромадлари кўпайишини рағбатлантириш учун зарур бўлган бошқа чораларни рўйбга чиқаришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатнинг 2012 йилги асосий молиявий ҳужжати иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорларини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашни назарда тутди. Ҳужжат бюджет аҳолига ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини кўпайтиришга, шунингдек жаҳонда инқироз ҳолатлари давом этаётган бир шароитда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан барқарор ўстиришнинг муҳим омилли сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Кичик бизнес субъектлари жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга тушириш назарда тутилди.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига камайтирилади. Бу эса тўловчиларнинг ҳар бир гуруҳидан ундиринадиган солиқ қисқаришини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатларни кўпайтириш тамойили сақланиб қолишини назарда тутадиганлиги, уларнинг улуғи умумий харажатларнинг 58,6 фоизини ташкил этиши алоҳида қайд этилди. Давлат бюджетда таълим, соғлиқни сақлашни молиялашни кўпайтириш, иш ҳақини ва ижтимоий тўловларни ошириш назарда тутилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик ошишини, аҳоли даромадлари ўсишини, турмуш даражаси ва сифати юқалишини, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркеклар;
г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга кир-

гунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳуқуқи ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муд-

дати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфи рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазосига афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши – тақиқланган таш-

килотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4-6-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли кўмити ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъулик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киридаи ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 декабрь.

ҚИСҚА

САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз муҳбирларимиз
хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Фотосуратлар уйида «Биз-бунёдкор халқимиз!» мавзусида ўтказилаётган фотосуратлар республика танловининг якунлари бўйича кўргазма ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** М.Ломоносов номили Москва Давлат университети Тошкент филиалида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан фаол-

лар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Амалий санъат музейида «Ўзбек қорақўли» номили кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастурда 2012 йилги инвестиция дастурини, 2011 – 2012 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, минтақавий инвестиция дастурларини рўёбга чиқариш ҳисобига 2012 йилда 967,5 мингта, асосан қишлоқ жойларда, иш ўринлари ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши кичик корхоналар ва микрофирмалар очиш, хусусий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, паррандачиликка, балиқчиликка, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини сонини кўпайтириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда уларни таъмирлаш ишларини жадаллаштириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилишига ёрдам беради.

Сенаторлар давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ўзбекистон йигирма йиллик тараққиёт даврида давлат тузилишини қарор топтириш ва уни ислоҳ қилиш ҳамда ҳокимият тармоқлари бўлинининг конституциявий принципларини рўёбга чиқариш, улар ўртасида самарали ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлар тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятларининг роли ва ваколатларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини босиб ўтганлиги қайд этилди.

Миллий давлатчилигимизни ҳамда мамлакатимиз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш ва қарор топтиришнинг дастлабки йилларида Президентга берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатларнинг бир қисмини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларга бериш соҳасидаги ишлар изчил, тизимли ва кенг қўламли ўзгаришлар доирасида олиб борилди. Чунончи, илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини эгаллаб келган Вазирилар Маҳкамасининг Раиси лавозимининг тугатилиши ва ушбу ваколатларнинг Бош вазирга берилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий иш бўлди.

Икки палатали парламент шакллантирилиши билан Президент ваколатларининг кўп қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига берилди ва бугунги кунда унинг томонидан муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Сенаторлар ҳозирги кунда кўрилаётган мана шу ва бошқа чора-тадбирларнинг ҳаммаси мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий тизимини демократлашти-

риш ва либераллаштириш йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич ҳамда эволюцион йўл билан илгарилаб бораётганлигининг, Ўзбекистон ўз олдига қўётган узоқ муддатли мақсад – замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторидан жой олиш мақсади рўёбга чиқарилаётганлигининг ёрқин тасдиғи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Олий Мажлис юқори палатасининг вакиллари қайд этганларидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартириш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг объектив реаллигини, мантиқни ва изчиллигини акс эттиради,



ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларига, шунингдек дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг мутлақ кўпчилигида вуқудга келган амалиётга мосдир.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Жабрланувчининг шикоят буйича жиноий ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш ҳолларини кенгайтирадиган ушбу Қонуннинг асосий мақсади жиноят-процессуал қонунчилиги янада либераллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Шундан кейин «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қонуннинг асосий мақсади пенсиялар миқдорларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўтган йилларнинг иш ҳақларини қайта ҳисоблаш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўша мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида тайёрланган «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Хусусан, Қонундаги асосий янгиликлардан бири молия хизматлари бозорларида монополияга қарши тартибга солишни жорий қилишдан иборат эканлиги қайд этилди. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни тиниқлиги ва самардорлигини оширади, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, товарлар эркин олиб юрилиши учун тенг шароитларни, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаб беради, бу эса товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишнинг асосий жиҳатидир.

Сенаторлар «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонун телекоммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, фойдаланувчилар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, жамият ва давлат қурилишининг ҳамма соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун шароитлар яратишга қаратилган.

Шундан сўнг, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш юзасидан тайёрланган ва қабул қилинган «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлис давомида «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида тайёрланган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Хар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам маъқулланди. Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши солиқ маслаҳати буйича хизматлар бозорининг ривожланишига, солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Анжуманлар ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Парламент фаолияти ва мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бориш, шунингдек, тарғиб этишда электрон манзилларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, интернет тармоғида фаолият юритаётган веб-мутахассислар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида аккредитация қилинган ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда асосий эътибор палата томонидан жорий йилнинг 25 сентябрда қайта ишлаб чиқилган расмий веб-сайтнинг моҳиятига қаратилди.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий электрон манзили 2003 йилда ташкил қилинган эди. Аммо, шиддат билан ривожланиб бораётган янги ахборот технологиялари асрида ҳар қандай жараён тараққиётга интилиш йўлида тезкорлик ва замонавийликни талаб этади.

Янги веб-сайт ҳам ушбу талабларни қамраб олган ҳолда фойдаланувчилар учун янада қулай ва кўп функциявийлик ҳамда қонунларнинг тушунарли тилларда ёритилиш жиҳатлари билан олдингисидан тўқдан фарқланади.

Эндиликда, ушбу расмий веб-манзилда «сайр» қилган ҳар қандай фойдаланувчи қайси юрtdа бўлмасин Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси фаолияти, мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимиз ривожини йўлида қабул қилинган қонун, қарор ва фармонлар тўғрисида ҳамда янги ишлаб чиқилган қонунлар ва уларнинг изоҳи билан яқиндан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, илгариги маълумотлар фақатгина ўзбек тилида киритилган бўлса, қайта ишлаб чиқилган веб-сайт ўзбек, рус, инглиз тилларини қамраб олиши билан ҳам ажралиб туради.

— Электрон манзил тўқдан қайта ишлаб чиқилди, десам муболага бўлмайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати мутахассиси Дилрабо Аминбоева. — Дизайн жиҳатидан ҳам янада мукамаллашди. Фойдаланувчиларнинг on-line, яъни тўғридан-тўғри депутатлар билан мулоқот саҳифалари, «Депутатлар минбари», «Долзарб», «Янгиликлар», «Сайловчилар билан суҳбат», «Қонунлар шарҳи», «Журналистлар учун бўлим» каби рунлар қўшилди, Қонунчилик палатаси таркиби, аъзолари ва уларнинг фаолиятлари, таржима ҳоли ва бошқа қўлаб умумий ҳамда батафсил маълумотлар берувчи қузиқарили саҳифалар билан бойитилди. Бу каби қулайликларни яраттирдан асосий мақсад, фойдаланувчилар учун давлатимиз томонидан юрт ривожини ва халқ фаровонлигини йўлида ишлаб чиқилаётган қонунларни тушунарли тилларда ёритиб бориш ва қонунларни ишлаб чиқайётганлар ҳақида ҳам тулиқ маълумотларни етказишдан иборат. Келгусида ушбу расмий веб-сайт видео мулоқот саҳифасини киритиш режалаштирилган.

Матбуот анжумани давомида шу ҳақида сўз юритилар экан, сўзга чиқувчилар Ўзбекистон Республикасидаги вазирлик ва идоралар матбуот хизмати веб-сайтларининг бугунги ҳолати, улар фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришдаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилар экан, қатнашчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қайта ишлаб чиқилган расмий веб-сайтнинг янада мукамаллашувини таъминлашга қаратилган тақдирлар билдирилди.

Садоқат АСЛАНОВА

Алоқа ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЯХШИ ОПЕРАТОРЛАРДАН БИРИ

Кейинги пайтларда ҳаётимизни уяли алоқа воситаларисиз тасаввур эта олмаймиз. Бу эса ўз навбатида уларга бўлган талабнинг юқорилигидан далолатдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир қанча уяли алоқа воситалари компаниялари фаолият олиб бормоқда. «Билайн» алоқа оператори ҳам ана шулар жумласидандир. 28 ноябрь куни бу компанияни Ўзбекистон бозорига чиққанига 5 йил бўлди ва ўтган қисқа вақт ичида ўзига хос ютуқларга эришди. Кўни кеча шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида компаниянинг юртимиздаги фаолиятига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

Дарҳақиқат, 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб «Билайн» савдо белгиси остида аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган мазкур алоқа оператори шу вақтга қадар бир қанча янгиликларни амалга оширди. Шулардан, компания аъзолари 2008 йил 2 декабрь куни Ўзбекистонда биринчи бўлиб 3G тармоғи ишга туширилиши ҳақида эълон қилдилар. Шу билан бир қаторда, компания томонидан абонентларга қулайлик туғдириш мақсадида бир неча арзон сўзлашув пакетлари ҳам жорий қилинди. Ҳозирги кунга келиб, амалга оширилган ишлар натижа-сида компаниянинг йиллик даромади 36 фоизга ошган.

— Ўтган вақт мобайнида биз барча миқдорларга бир хилда амал қилувчи сервис ва абонентларга хизмат кўрсатишнинг янги стандартларини жорий қилишга ҳамда сифатли хизматлар оператори даражасига етишга эришдик, — дейди «Unitel» компанияси бош директори Андрей Сафронов. — Шунингдек, «Билайн»нинг учинчи авлод тармоқлари 130 та шаҳар ва аҳоли пунктларида йўлга қўйилди. Қилаётган ишларимиз самарасини эса Ўзбекистон GSM операторлари қаторида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб туришимиздан ҳам билиб олсак бўлади.

Дарҳақиқат, ўтган вақт ичида «Билайн» компанияси биринчилардан бўлиб юртимизда 3G тармоғи ҳамда юқори тезликда ишлайдиган мобил интернетни киритишга муваффақ бўлди. Мана шундай имкониятлар яратилиши баробарида «Билайн» абонентларининг сони 5688000 нафарни ташкил қилган ва бу миқдор сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Матбуот анжуманида «Билайн» алоқа операторининг шу кунга қадар амалга оширган барча ишлари сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга келгусида қилиниши керак бўлган режалар ҳам белгилаб олинди. Шунингдек, йилги давомида компания тарихини акс эттирувчи видео-ролик намойиш этилди.

Тадбир сўнгида йилгиланган ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олинди.

Равшан ЮНУСОВ

Маълумки, бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини мустақил, қатъий, турли ижтимоий гуруҳлар ва кенг аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қила оладиган — нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг (ФЖШМҚМИ) Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси томонидан «Ижтимоий ҳамкорлик ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишнинг муҳим омил» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айнан юқоридоғи фикрлар қайд этилди. Мазкур тадбирда сўз олган ФЖШМҚМИнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси раҳбари Дониёр Аюпов Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг ҳар бир босқичида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятига алоҳида эътибор берилаётгани ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» алоҳида аҳамиятга эгаллиги ва Концепциянинг 5-бўлими, айнан Фуқаролар жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилганига эътиборни қаратди.

— Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида саъй-ҳаракатлар, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилин-

гани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади, — деди жумладан мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларини билдирган ФЖШМҚМИ шаҳар ҳудудий бўлимининг гуруҳ раҳбари Дилбар Рашидова. — Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашлирининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини,

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўша қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан ортқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар эса 10 мингдан ортқини ташкил этади. Шунингдек, 380 та нодавлат нотижорат ташкилотлари Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган. Улар бугун жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритмоқда ҳамда ҳудудларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилалар ва имконияти чекланган инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги муаммо-

ларни ҳал қилишда давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Шунингдек, тадбирда «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки: бугунги ҳолат ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида Маънавият-тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи С. Мирҳакимов, «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида худудларда амалга оширилаётган Давлат дастурлари» буйича Тошкент шаҳар Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи С. Аҳмедов, «Парламент комиссиясининг 2011 йил 19 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Жамоат фонди томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва самардорлигини аниқлаш юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низом билан таъиништириш борасида ша-

ҳар Адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси И. Раҳимовларнинг маърузалари эшитилди.

Ҳокимликлар, шаҳарда фаолият юритувчи ННТ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда солиқни сўзлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами муаммоларини ечиш борасида ННТлар билан тегишли давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинди. Шу билан бирга мазкур соҳаларда ННТ ва давлат органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, шу билан бирга фойдаланилмай турган имкониятлар юзасидан бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

СЕРЖАНТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ҳар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир, малакали ходимлар тайёрланмоқда.

Бу ерда курсантларнинг назарий билими билан бирга амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бунда ўқитишнинг самарали усуллари, жанговар-тактик машғулотлар, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мазкур академия Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсига қабул қилинган курсантларнинг қасамдб қабул қилиш маросимида бу алоҳида таъкидланди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Ш.Икромов, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси бошлиғи С.Тангирбердиев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар. Юртимизда қарор топган тинчлик-осойишталик давлатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг расмий «ташриф» қоғозига айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмакда. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти айтганидек, «Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунини қабул қилиш ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустақамламадан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди».

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг эркинлик сари узоқ изланишнинг натижасидир. Конституциявий бинони қуришда ўзбек қонун чикарувачиси уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянган. Бугунги Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темури ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, халқимизнинг тарихий аъёнлари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрли орасини мўжассам этган. Манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Конституция Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг турли мамлакатлари тўплаган илғор конституциявий тажрибасини ҳисобга олган.

Конституция Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттиради. Энг аввало, унинг умуминсоний кадриятлар, халқаро ҳуқуқ устуворлиқларига содиқлигини таъкидлаш жоиз. Унда бирон-бир сиёсий мафкура чекланганлиги, гуруҳлар қарама-қаршилиги, партияларнинг ҳукмронлиги мавжуд эмас. Давлатнинг фуқаролар устидан зулм таъсири йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари бўйича умуминсоний декларациясидаги барча асосий қоидаларни мўжассамлаштирган: ҳаёт, шахс ва инсон эркинлиги дахлсиздир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси ўзининг кўп асрлик юридик тарихи ва жаҳон конституциявий тажрибасини ўзида мўжассамлаштирган. Агар Янги Конституция жаҳон конституциявий ривожланиши билан боғлаб қўриб чиқилган бўлса, уни XX асрнинг охириги ўн йиллигида дунёда қабул қилинган «учинчи авлод конституциялари» сирасига киритиш мумкин.

Конституцияда мустақамланган қоидаларни демократиянинг аниқ «тарози»сида ўлчаб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у жаҳондаги энг демократик конституциялардан биридир. «Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро микёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради», дейиш учун тўла асосларимиз бор.

Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси муқаддима, 26 боғба ажратилган 5 бўлимда бирлаштирилган 128 моддадан ҳамда олтинчи бўлимини ташкил қилувчи яқуний қоидалардан иборат. Асосий Қонун Муқаддимадан бошланиб, унинг моҳияти куйидагича: Конституцияни халқ қабул қилади, халқ мамлакатининг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб, унда ўз иродасини ифода этади. Биринчи бўлим — конституциявий тузум асосий принципларининг маъмуси, иккинчи бўлим эса — инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекча билдир. Бошқача қилиб айтганда, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг ахлит ва кенг қамровли тизими мустақамланган. Табиийки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат органлари тизимига бағишланган бўлимдан

аввал келади. Давлат ҳуқуқларни тақдим этмайди, фуқаронинг ўзи унга эркинлик билан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлардан онгли ва маъсул ятти равишда фойдаланади.

Конституциянинг учинчи бўлими ўзига хос ҳисобланади, бошқа мамлакатларнинг биронтасида бундай ҳолат учрамаслиги эҳтимоли бор. Бу бўлимининг асосий максамди — фуқаролик жамиятининг аъёнларини тиклаш, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари макомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

Тўртинчи бўлим — давлат ва маъмурий-худоудий тузилишга бағишланган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боғ кўзда тутилган.

Бешинчи бўлимда ҳокимият ваколатлари бўлиниши таъмоили асосида давлат ҳокимияти органларининг янги тизими мустақамлашиб қўйилган, олий ва маҳаллий органларнинг тузилиши очиб берилган.

Олтинчи бўлим — Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини белгилаган.

Конституциянинг тузилиши: биринчидан, фуқаролараро тинчлик, яъни миллий ва ижтимоий бирликка;

иккинчидан, шахс эркинлиги ва танлаш эркинлигига; учинчидан, мафкуравий хурфикрлик ва сиёсий барқарорликка;

тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровонликка;

бешинчидан, давлат томонидан халқ ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилишига эришишга қаратилганлигини кўрсатади.

Демократия ва инсон ҳуқуқларининг конституциявий асоси умуминсоний ва миллий кадриятлар бирлигини ифода этади. Ўзбекистон маданиятининг бой салохиятига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон халқаро стандартларга интилишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон аста-секин, босқичма-босқич инсон ҳуқуқларини ижтимоий тараққиёт ва барқарор ривожланишнинг асоси сифатида тикламоқда. Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишининг муҳим манбаси сифатида белгилаган. Бу дегани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустақамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жа

мятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқлигини билдиради.

Мамлакатимиз халқи евроамерикача маданиятда учрамайдиган ўз ҳуқуқларини жамоавий ҳимоя қилиш механизмига эга. Бу — маҳалладир. Зарур бўлганда у нафақат моддий ёрдам кўрсатади ёки миллий-маданий, маиший урф-одатларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Маҳалла халқ орасида обрўга эга оқсоқоллар орқали оила, аёллар, қариюрлар ва болалар ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб боради. Маҳалла ҳуқуқнинг алоҳида субъектига айланмоқда, иттифоқ даврида бундай ҳолат бутунлай учрамаган. Бу одамларга низолар келиб чиққанда ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконини беради. Кўп маҳаллалар кўп миллатли бўлиб, бу миллатлараро тинчликка ва маиший миллий чекланганликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Конституцияси давлат, жамоат, маънавий-маданий эҳтиёжлар ҳамда барқарор конституциявий ривожланишнинг ихидий бирлигидир.

Ўзбекистон Конституцияси куйидаги кадриятлар: шахс — жамият — давлат устуворлигини белгилаб беради. Шахс — эркин, онгли, мустақил — фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Фуқаролик жамияти — ўзини ўзи ташкил этган халқ — ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси ва манбасидир. Давлат — суверен демократик, дунёвий, ҳуқуқий — шахс ва жамият манфаатларининг ҳимоячисидир. Бу маънода Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос шартнома ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари инсоният цивилизациясининг умумий ютуғидир. Хавфсизлик ва демократия, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари каби глобал ҳодисаларни тушунишимизда асосий конституциявий принциплар — миллий давлат манфаатларига, халқимиз оdatларига мослигини, унинг суверенитетини чўқур ҳурмат қилиш асос бўлиб ҳизмат қилади.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари жамиятимизда нафақат қонунларда, халқнинг онгида, унинг маънавий тажрибасида ҳам мустақамланган. Ўзбекистонда шарқона маданиятга хос бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимо энг инсонпарвар кадриятлардан ҳисобланган ва ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш ва шахсини ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни ва суверен давлатчилигимизни мустақамлашди.

Айнан шу изчил демократик хусусияти, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлиги боис Ўзбекистон Конституцияси янги давлат тузумига ўтиш даврида конституциявий майдон чегарасида тизимли ва изчил ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлаб берадиган асосий юридик ҳужжат ҳисобланади.

Акмал САИДОВ, профессор, юридик фанлари доктори

БОШ ҚОМУСИМИЗ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Европада Ҳамкорлик ва ҳавфсизлик ташкилоти — ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари таълими» мавзусидаги семинар мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга бағишланди. Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Мубошман), Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этиди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Иштван Венцел ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида»ги Фармони, 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармоиши бу йўналишда муҳим дастурлаш бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, юртимизда ҳуқуқий таълимнинг узлук-

сиз, изчил ва босқичма-босқич тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини пухта ўрганишга доир машғулотлар мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хуна ҳамда олий таълим муассасалари дастуридан ўрин олди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида олимлар, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари иштирокида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказишга қаратилган кўплаб тадбирлар мунтазам ташкил этилаётди.

Мақтабимизда 2600 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади, — дейди Тошкентнинг Чилонзор туманидаги 178-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ўқитувчиси Гулбека Тангилова. — Таълим-тарбия жараёнида Бош қомусимиз тамойиллари билан бирга миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳияти, уларнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларга уйғунлиги ўқувчиларга чўқур ўргатилмоқда. Ўқувчиларимиз «Конституция — бахтимиз асоси» мавзусидаги республика кўрик-танловида фаол иштирок этмоқда.

Семинарда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни йўналишидаги илмий изланишлар ва уларнинг истиқболлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, юридик йўналишда бўлмаган олий ўқув даргоҳларида ҳуқуқий таълим каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Маълумки, дунёдаги конституциявий тузумга эга бўлган ҳар қандай мамлакатнинг Асосий қонунини шахснинг ҳуқуқий аҳволи тўғрисидаги масала энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Фақат адолатли ва демократик давлатдагина ҳақиқий шахс эркинлиги мавжуд бўлади. Шахснинг ҳар томонлама равақ топиши учун шароит яратилади.

ШАХС ЭРКИНЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Зеро, демократик ва инсонпарвар давлатнинг муҳим мезонларидан бири ҳам айнан унда ҳақиқий шахс эркинлиги ва дахлсизлиги қай даражада таъминлаб берилганлигидир. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва камолотга эришиши учун кенг имкониятлар яратишни алоҳида таъкидлаш жоиз. Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 25-моддасида шундай дейилади: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳисба олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

Ушбу модда Ўзбекистонда биринчи марта инсонларга ҳақиқий шахс эркинлиги ва шахс дахлсизлигини кафолатлаб беради. Чунки собик тоталитар тузум шароитидаги «совет» конституцияларида бу ҳақда белгилаган меъёрлар фақат қоғозда эди, холос. Шахснинг ҳар томонлама равақ топиши учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида қўқ сафсата сотилар эди. Аслида эса шахс қадр-қиммати топталган, жамоа, жамият шахсини эзиб келган, шахс устидан тўла ҳукмронлик қилган, шахс эркинлиги ва хатто дахлсизлиги ҳам амалда тўлиқ таъминланмаган эди. Умуман, давлат мустақил бўлмаса, шунингдек, унинг ўз мустақил қонунлари мавжуд бўлмаса, унда ҳеч қачон шахс эркин ва дахлсиз бўлмайди.

Конституцияимизда расмийлаштирилган шахс эркинлиги ва шахс дахлсизлиги тўғрисидаги меъёрлар инсон ҳуқуқла-

рига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг» 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» дейилган бўлса, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддасида эса «Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчилик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас, озодликдан маҳрум этиш қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таъминлиги биноинга қилиниши мумкин» деган қоидалар ўрнатилган.

Инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларининг тарихий қисмини ташкил этади. Шунга қўра, инсон туғилишидан бошлаб, унинг ҳаёти, соғлиги, ор-номуси, қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳар бир инсон эркин ҳаёт кечириши, хоҳлаган ерида яшаш жойини танлаш, хоҳлаган машғулот турини танлаб олиш (албатта бунда қонун билан тақиқланмаган меҳнат тури бўлиш ке-ракли), хоҳлаган эътиқодга эга бўлиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга. Ҳеч ким инсонга бирон-бир тарзда таъсир ўтказиш, уни баъзи ҳаракатларни қилишга мажбур этиш ёки баъзи ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва чеклаш ҳуқуқига эга эмас. Фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва асослардагина бунга айрим истиснолар бўлиши мумкин. Масалан, жиноятчиларнинг вақтинча эркинлигини чеклаш, ҳарбийга мажбур қилиниши Ватан ҳимоясида жалб қилиш ва шу каби қонунларда аниқ кўрсатиб қўйилган.

Ўзбекистонда шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи кўпгина қонунлар билан, жумладан, жиноят ҳуқуқига оид қонунлар билан ҳам муҳофаза қилинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига айбисиз кишини жавобгарликка тортиш, адолатсиз ҳўкм, ҳал қилув қарори, ахрим ёки қарор чиқариш, бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, шахвонини ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг турмушга чиқишига тўсқинлик қилиш, одам ўғирлаш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни содир этиш жиноят ҳисобланади ва булар учун қатъий жазо чоралари белги-ланган. Амалдаги қонунларимиз шахсини ҳибсга олиш ва уни ҳибсда ушлаб туриш тартибларини аниқ ўрнатиб қўйган. Қонунга қўра, суднинг қарорисиз ҳеч ким қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар шундай қарор мавжуд бўлса, у билан айбланувчи шахсан таншиб, имзо чекса, шундан сўнггина у қамоққа олиниши мумкин. Бундан бошқа ҳолларда ва асосларда ҳеч ким ва ҳеч қандай орган шахсларни ҳибсга олиши ва ушлаб туриши мумкин эмас. Қонунларда айбдорни, гумондорни ҳибсда ушлаб туриш муддатлари ва уни узайтириш тартиблари, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар (маст ҳолда юриш, майда безорилик, кимор ўйнаш, жамоат транспортини чиптасиз юриш каби ҳаракатлар)ни содир этган шахсларни қисқа вақт ушлаб туриш асослари ва тартиблари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бизда Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугун инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясида».

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ, Тошкент Давлат юридик институти доценти

ФАОЛ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшлар юртимиз истиқболи, порлоқ келажаги ва таянчидирлар. Уларнинг ҳар томонлама билимли, ўткир соҳахиятли, юксак маънавий ҳамда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилган. Қувонарлиси, бугунги кунда истеъодли, билимга чанқоқ, изланувчан, шижоатли, ташаббускор ёшлар сафи ортиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги қуни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ» дея таъкидлаган. Зеро, олий таълим муассасасида чўқур билим олган ҳамда амалиётни бирга олиб борган талаба келгусида ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши шўбҳасиз. Жумладан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабалари ҳам бугунги кунда нафақат назарий, балки амалиётда ҳам ўз билимларини ошириб келмоқдалар. Журналист кадрларни тайёрлаш, талабалар амалиётини ташкил этиш масалалари бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида бўлиб ўтган «Талабалар малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусига бағишланган анжумани ҳам худди шу хусусида сўз борди. Унда оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этиди. Анжумани мазкур университет ректори А.Исмаилов кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг «Журналист кадрлар тайёрлашда малакавий амалиётнинг ўрни ва аҳамияти», «Талабалар амалиётини ташкил этиш механизмининг самарадорлиги», «Талабалар амалиёти самарадорлигини ошириш», «Электрон ОАВда талабалар амалиётини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари», «Малакавий амалиёт-талабалар нигоҳида» мавзуларида университет ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари ҳамда талаба-ёшлар сўзга чиқдилар.

Халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётган талаба-ёшлар бўлгуси журналистлардир, — дейди факультет декани Акбар Нурматов. — Шу бос факультетимиз ва тахририятлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Айни вақтда талабаларимиз турли хил тахририятларда қизгин амалиёт жараёнинида ижод қилиб, тобланиб қайтмоқдалар. Факультетимизда мазкур амалиёт натижаларини ҳар йили ноябрь ойида танлов асосида баҳолаш аъёна тусига кирган. Жумладан, 2010-2011 ўқув йилининг ёш ойларида талабаларнинг амалиёт ўташ даврида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларини баҳолаш, энг етук ва фаол муаллифларни тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида ушбу анжуман ташкил қилинди. Бизнинг келгусида талаба-ёшларимиздан умидимиз катта.

Анжуманда «Телевидениеда эфирга узатилган энг яхши курсатув», «Радиода эфирга узатилган энг яхши эшиттириш», «Босма нашрда эълон қилинган энг яхши мақола», «Интернет-ОАВда эълон қилинган энг яхши материал», «Спорт мавзусидаги энг яхши чиқиш», «Энг яхши илмий ва илмий-оммабоқ мақола» номинациялари бўйича голиб ва совриндорлар эълон қилинди. Ш.Имомова, М.Аъзамжўраев, У.Абдураулов, Қ.Бекниёзова, М.Ёқубова ва Э.Отақулова танлов голиби деб топилиб, ташкилотчиларнинг эс-далик совғалари билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

МУРУВВАТ — МЕҲР КЎЗГУСИ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 октябрдаги «Бололар тарбиясини такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан жойларда турли тадбирлар ташкил этилди.

Юнусобод туманида ҳам туман Маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан «Мурувват — меҳр кўзгуси» шiori остида тумандаги ногирон ва кўзи оқизлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Бугунги жадал ривожланаётган жамиятимизда ногиронларга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. — дейди Юнусобод тумани ҳокими Шавкат Азимджанов. — Меҳр-мурувват, савоб, саховат сўзларининг асосий мазмун ва моҳиятини ана шундай кўнларда кўрсатиш, ногиронларнинг ҳаётта ва меҳнатта муносабати, ўз Ватанидан гуруру ва ифтихори, келажакка ишончини тобора оширади, қалбида она Ватанга бўлган муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Тадбирда эстрада хонандларини ҳам иштирок этиб, ўз чиқишлари билан йиғилганларга хуш кайфият бағишладилар.

Ана шундай тадбирлардан яна бири «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан уюштирилди, унга Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ногиронлар тақдир этилди. Тадбир доирасида ногиронларга махсус ногиронлик аравачалари, озик-овқат маҳсулотлари топширилди.

Нигора ТўЛАГАНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«12-автобус саройи» ОАЖ маъмурияти 3 йил меҳнат стажига эга бўлган «Д» тоифали ҳайдовчиларни ишга қабул қилади ҳамда автосаройда «Д» тоифага ўқитилади. Ўртача ойлик маоши 400 000 — 500 000 минг сўмни ташкил қилади. Тел: 258-37-47

Спорт янгиликлари

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Австралиянинг Сидней шаҳрида футбол бўйича Австралия-Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида уюштирилган Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг учинчи босқич гуруҳ баҳси билан жорий йилги халқаро миқёсдаги беллашувлар ҳам ниҳоясига етди.

Айтиш жоизки, саралаш турнирининг «В» гуруҳида шу кунгача бир галаба ва битта дуранг натижа қайд этиб, тўрт очко билан пешқадам бўлиб олган олимпиячиларимиз яшил қитъа вакиллари мағлуб эта олишганида Лондон сари яна бир дадил кадам ташлаган бўлишарди. Шу боисми, Вадим Абрамов шогирдлари майдонга фақат галаба иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Аксинча, ҳамюртларимиз мезбонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Бирок шу кунги австралияликлар дарвозасига гол киритиш ҳеч бир

футболчимизга насиб этмади. Дарвоқе, мезбонлар ҳам бир неча бор Санжар Қувватов кўриқлаётган дарвозани нишонга олишди. Аммо ҳимоячиларимиз ва дарвозабонимиз бехато ўйнаб, дарвозамиз дахлсизлигини сақлаб қолишди. Ушбу 0:0 ҳисобидаги дурангдан кейин ҳам олимпиячиларимиз гуруҳда пешқадам бўлиб туришибди. Энди Ўзбекистон олимпия терма жамоаси келгуси йилнинг 5 февралда Тошкентда яшил қитъа вакиллари билан саралаш турнирининг 3-босқичи тўртинчи турида ўзаро беллашади.

«АРДУС» ЯНА БИРИНЧИ ҲАМ ИККИНЧИ ҲАМ УЧИНЧИ ҲАМ ДАВРАСИДА

Мини-футбол бўйича шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида уюштирилган мамлакат биринчилигининг 3-тури ҳам «Ардус» жамоасининг юз фоизли ютуғи билан якун топди.

Шуниси эътиборлики, мусобақага пухта ҳозирлик кўрган пойтахтимизнинг «Ардус» жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг учта ўйинида рақибларини йирик ҳисобларда мағлуб этиб, турнир ҳафталида карвонбошилиқ қилмоқда. Дастлабки турда «Строитель — Зарафшон» жамоасидан 7:3 ҳисобида устун келган пойтахтлик мини-футболчиларга кейинги учрашувда рўбарў бўлган «Махсан-Чирчик» командасини 4:2 ҳисобида енгиш қийинчилик тугдирмади. Сўнгги баҳсда, «Турон — С» жамоаси вакиллари «Ардус»дан 0:7 ҳисо-

бида мағлуб бўлишди. Шунингдек, ўтказилган учта тур якунларига кўра, фахрли иккинчи ўрин яна бир пойтахт вакили «Локомотив»га насиб этган бўлса, «Строитель — Зарафшон» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» командалари учинчи, тўртинчи ўринлар билан кифояланишди.

Бир неча муддатдан сўнг ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида ҳам пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар зафар кучишади деб умид қиламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



«Ўзбекистон» спорт мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё Кубоги мусобақаси ниҳоясига етди.

АТЛЕТЛАРИМИЗ ҚИТЪАДА ЕТАКЧИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бераётди.

Бу оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси эришган натижаларда ҳам намоён бўлмоқда. Қитъамизда етакчилардан бўлган ўзбекистонлик атлетларнинг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари, халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари сони ва салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Халқаро оғир атлетика федерациясининг 2013 йилги тақвимидаги энг нуфузли мусобақалардан бири — ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистонга берилди.

Осиё оғир атлетика федерацияси (АФВ), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё Кубоги мусобақаси ҳам юқори савияда ташкил этилди. Мусобақада қитъамиз-

нинг ўндан зиёда давлатидан келган 120 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Йигирма ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар баҳсида Марина Сисоева, Гулнора Абдуғаниева, Кристина Вавилова, Дилафруз Кандагарова, Сардор Дўстмуродов ва Шўхрат Шомуродов ўз вазн тоифасида штангани даст, силтаб кўтариш ҳамда иккикураш бўйича энг юқори натижа кўрсатиб, ун-тадан олтин медални кўлга киритди. Достон Ёқубов штангани силтаб кўтариш баҳсида шоҳсуланинг юқори поғонасидан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида, йигирма ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистонлик спортчилар биринчи ўринни эгаллади.

Катталар ўртасидаги мусобақаларда ҳам юртимиз спортчилари юқори натижаларни қайд этди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари етакчилик қилган бўлса, эркаклар баҳсида эронликлар биринчи, туркманистонлик спортчилар иккинчи ва ҳамюртларимиз учинчи ўринга сазовор бўлди.

Байрам АЙТМУРДОВ, ЎЗА МУХБИРИ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Юз ёшга етган ва ақл-фаросатини йўқотмаган бир кишидан:

- Узоқ яшашигизнинг сири нимада? - деб сўрадилар.
- Ҳаётга бўлган муҳаббатимда! - деб жавоб берди.

Афлотун ўзининг узоқ умрини хилватда илм ўрганиш ва китоб ёзиш билан ўтказди. Ярим оч-ярим тўқ яшагани ҳолда дунё сирларини очди. Ичини ошу овқатга тўлдирганларнинг эса юрагига илм йўли топилмади.

Шайх Абулаббос:
- Ҳамиша овқатланиш меъёрига риоя қилганим учун сира табибга ишим тушмади, - деб такрорлашни хуш кўрар экан.

Бир мўътабар китобда шундай ёзилган экан:

- Агар оз еб, оч юришга тоқат қилолмасангиз, қорнингизнинг ичини учга бўлинг: бир қисмини овқат билан, иккинчи қисмини сув билан тўлдиринг, учинчисини эса бемалол нафас олиб чиқариш учун қолдиринг.

Ҳаким Қооний айтади:

- Бир дўстим ҳузуримга келиб, бир неча насихат беришимни сўради. Мен ўзим ҳам насихатга муҳтожлигимни айтиб, ҳарчанд уэр сўрасам ҳам у ҳоли жонимга қўймагач, унга шундай насихат қилдим: "Кам е, токи баданинг ортиқча ранж чекмасин. Кам ухла, то ақлинг маъно дурларини англашдан охиж бўлмасин. Шу билан бирга унутмаки; кам ейиш кам ухлагча сабаб бўлади. Кам гапириш ҳам кам ейишга боғлиқ - кам ейилганда кишида кўп гапиришга ҳафсала бўлмайди.

Бир табибдан:

- Киши овқатга ўтирганида қанча ейиши керак? - деб сўрадилар.
- Юз дирам - деди у.
- Бунчалик оз овқатдан қанча ҳам куч ҳосил бўларди? - дейишди.
- Ундан саломатлик учун етарли тоза куч ҳосил бўлади, - деб жавоб қилди табиб, - ундан ортиқча фойдасиз бўлиб, фақат ҳаммоллик вазифасини бажаришинг мумкин.

Бир донишманднинг узугига бешта сўз ўйиб ёзилган экан. Хурсанд пайтларида бу ёзувга кўзи тушса, бирдан ғамгин бўлиб қолар, хафа чоғларида энгил тортар экан. Узукка "Бу кунлар ҳам ўтиб кетади" деб ёзилган экан.

Бир донишманднинг ёлғиз қизига бир бой ва бир ночор хонадондан совчи келибди. У эса қизини камбағал йигитга берибди. Дўсту яқинлари:

- Нега бундай қилдинг? - деб танбех беришса, шундай дебди:
- Бадавлат йигитнинг эси пастроқ кўринадди, ҳадемай у мол-дунёсидан ажралиб қолиши мумкин. Камбағал йигит эса ақли ва гайратли экан - бундай одам сира кам бўлмайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган (Давоми бор)

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ

Ҳеч бир инсон ондан ичкиликбоз ёки гиёҳванд бўлиб туғилмайди. Базилар тўқликка шўхлик қилса, бошқаси ўзи билмаган ҳолда алдовлар натижасида бу йўлга кириб қолади. Айниқса, ҳозирги кунда ўсмир-ёшлар, аёллар ўртасида ҳам гиёҳвандликка ружу қўйиш ҳоллари учраётгани кишини ташвишга солади.

Болалар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалишига ота-оналарнинг ўз юмушлари билан ўта бандлиги, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, оилавий низолар, ортиқча бойлик орттиришга ружу қўйиш, болаларнинг керагидан ортиқ таъминланганлиги сабаб бўлмоқда. Гиёҳвандлик — ОИТС, вирусли гепатит ва бошқа хавфли ва тузалмас хасталикларни келтириб чиқаради. Шулардан дунёда ақл бовар қилмас даражада кўпайиб бораётган ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигига чалинишни тўхтатиш бугуннинг энг муҳим масалаларидан бири эканини англаш қийин эмас.

Инсониятни бу офатдан сақлашда асосий эътиборни ҳимоятимизда қадимдан одат бўлиб келган соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, халқимиз томонидан қораланган иллатлар (гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик)ни тағ-томлари билан йўқотиш каби масалаларга қаратиш даркор.

Кун кеча Тошкент Кимё-технология институтида институт «Маънавият ва маърифат» бўлими ва «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан «Биз ОИТСга қаршимиз!» шиори остида катта концерт-шоу тadbiri ўтказилди. Тадбирни институт маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори М.Караходжаева кириш сўзи билан очар экан, гиёҳвандлик, ОИТС каби аср вабоси бўлган зарарли иллатларнинг салбий оқибатлари, унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида гапириб, ёшларни соғлом турмуш тарзига амал қилишга чорлади. Ёш эстрада хонандаси Альбина ва «Баён» гуруҳи ўзларининг шўх, кўнқоқ ўқийшлари билан тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишладилар.

Институтнинг «Бўйдоқлар», «Кувноқлар ва зук-колар» жамоасининг бадиий чиқишлари ва сахна кўринишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Зарифа РАШИДОВА

Атроф-муҳит, бизни ўраб турган борлиқ жилвакор тарзда гавдаланади. Қишда оппоқ гиламларини, баҳор чоғи ям-яшил дарахтларнинг қийғос гуллашини, гулларнинг ифोर чиқаришини, ёзда меваларнинг ғарқ пишиши-ю, куз чоғи дарахтлардаги баргларнинг ўйнаб-ўйнаб баландларда парвоз қилиб тўкилишини томоша қилиш қанчалик ёқимли. Бу каби манзараларни кўриб қувонади киши. Хуллас, табиат — гўзал!

Мулоҳаза

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК...

Баъзан деразадан кузатиб «эх, одамлар қаерга шошилмасизлар-а», деб туриб кимнидир югурганини, шошиланганини, автобусларда тикилиб олганини кўриб қулиб қўяман. Бу манзарани табиат инъом этган ёмғирли кунда кузатиш нақадар завқли. Ўйлаб қарасам табиат жуда ҳам сирсинаотта бой экан. Аслида табиат гўёки инсон ва жониворлар учун яратилгандай. Аммо инсон

зоти табиат олдидаги масъулиятни бироз унутгандай.

Пойтахтнинг баланд бинолари ёнидан ўтиб кетаверишда, бир-бирдан гўзал қилиб қурилган уйлари кўриб дил қувонади. Бироқ шундай уйлари-нинг пастки деворларига ёзилган бу каби сўзларга кўзимиз тушганда-чи?

«Бу ерда ахлат ташламанг, штраф 10000 сўм» ёки «Бу ерга

ахлат ташлаганинг қўли синсин», «Бу ерга ахлат ташлаган ахлатдек хор бўлсин» каби ибораларни ўқиб бироз ўйга толеди киши. Ёки кўп қаватли уйлари-нинг кириш йўлакларидан уйдан чиққан ахлатни қўйиб кетишади. Ахир шу биноларда ўзимиз яшаймизку. Ёки уйдан чиқди бўлди, унис билан ишим йўқ қабилда иш туттиш инсофданми? Наҳотки инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, бир-бирининг кўнглини оғритмаслик каби туйғулар йўқ бўлиб кетган бўлса. Хайриятки, пойтахтнинг ҳар бир бурчагида, яшаш жойлардан узоқ бўлмаган ҳудудларда ахлатларни ташлаш учун махсус жойлар қурилган. Ачинарли томони шундаки, юқоридаги каби сўзлар ёзилган, ташлаш мумкин бўлмаган жойларда ҳам ахлатлар уюлиб ётибди. Бу каби бепарволикка қандай баҳо беришни ҳам билмайди киши.

Наҳотки, шаҳримизни, маҳалламизни ва кўчаларимизни озода туттиш қўлимиздан келмаса. Менимча, экологик маданиятни шакллантириш ҳақида ўйлаш барчамизнинг бурчимиз.

Эътиқодхон ОТАКУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2009 йил 1-5324/09-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 39А-уйда жойлашган, умумий майдони 222,0 кв.м бўлган, 3 та яшаш хонаси, айвон, ошхона, ҳаммом, ҳожатхонадан иборат уй-жой қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 105 804 726 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 9 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 5 январь кунини соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Йлак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

Аҳоли диққатига!

Худудий электр тармоқлари корхонаси «Toshkentshahar elektr tarmoqlari korhonasi» очик акциядорлик жамияти

«Энергосотиш» назоратчиси вазифасига ишга таклиф қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр тор кўчаси, 6-уй.

Телефон: 233-63-67 — Кадрлар бўлими

Маъмурият

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Авиасозлар тор кўчаси, 25-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган «Билимдонлар маскани» номли 76-мактабгача таълим муассасасининг ду-малоқ муҳри ва бурчақли тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Moddiy-texnik ta'minot boshqarmasi» Давлат корхонаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Маҳаматович Шоназаровга волидаи мухтарамаси

Сабиха аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'UZGIDROMET' (Weather Service) with logo and text: 'рат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 7 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шaroити шаҳарларнинг бироз йилгишиға имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-ини туман тушиши мумкин. 3 фoиз кўнайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдoри паст бўлади.'

Advertisement for 'МУАССИС. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ' (City Administration) with logo and address: 'Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32'

Advertisement for 'Телефонлар' (Phone Numbers) with text: 'Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229'

Advertisement for '2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.' (Registration info) with text: 'Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2734 нусха босилди. Қўғи бичими А-2'

Advertisement for 'Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтаамти»ға — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.' (Postal services) with text: 'Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган. Нашр учун масъул Д. Исроилов «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.'